

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “17” апрель

№ПҚ-4292

“ ” 20 г.

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 апрелдаги ПФ-5708-сон Фармонини ижро этиш ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг (кейинги ўринларда – Вазирлик) ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

бошқарув ходимларининг чекланган сони 132 нафардан иборат **Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;**

Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тузилмаси, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг намунавий тузилмаси ва бошқарув ходимларининг чекланган сони 3 ва 4-иловаларга мувофиқ;

туманлар (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимларининг намунавий тузилмаси ва бошқарув ходимларининг чекланган сони 5 ва 5а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирига:

зарур ҳолларда, бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида Вазирлик марказий аппарати, Вазирлик ҳузуридаги ташкилотлар ва муассасалар тузилмасига ўзгартишлар киритиш;

Вазирликнинг худудий бўлинмалари тузилмаларини ва бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони ва меҳнатга ҳак тўлаш фонди доирасида уларнинг бошқарув ходимлари чекланган сонини тасдиқлаш;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар, етакчи лойиха институтлари, илмий ва таълим муассасалари, халқаро ташкилотлар, хорижий компанияларнинг юқори малакали мутахассисларини, шунингдек, эксперталарни маслаҳатчи сифатида жалб қилиш;

малакали хорижий мутахассисларни ишга қабул қилиш ва уларга Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда иш ҳақи миқдори ҳамда бошқа тўловларни чет эл валютасида белгилаш ҳукуқи берилсин.

3. Вазирлик Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Фанлар академияси билан биргаликда билим тарқатувчи мутахассис ва тренерларни тайёрлаш учун **Тошкент давлат аграр университети ҳамда унинг Нукус, Андижон ва Термиз филиаллари ҳузурида ўзини ўзи молиялаштириш асосида фаолият кўрсатадиган агротехнологиялар бўйича ахборот-маслаҳат марказлари (extension center) ташкил этилишини таъминласин.**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари агротехнологиялар бўйича ахборот-маслаҳат марказлари (extension center) ташкил этилишини, жойлаштирилишини ва самарали фаолият кўрсатишини таъминласин.

4. Вазирлик:

а) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда интеграциялашган электрон ахборот айирбошлаш тизими ва портали, шунингдек, агротехнологиялар бўйича ахборот-маслаҳат марказлари (extension center) ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг техник кўмаги ва грант маблағларини жалб этиш масаласини белгиланган тартибда кўриб чиқсин;

б) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда 2020 йил 1 январга қадар республика ҳудудларининг ишлаб чиқариш ва инвестиция салоҳияти, захира ерлари тўғрисидаги ахборотлар, статистик ва гидрометеорологик маълумотлар, инфратузилма объектлари ва коммуникация тармоқлари билан таъминланганлиги ҳамда соҳага доир бошқа маълумотлардан иборат “invest.gov.uz/agro” Ўзбекистон инвестиция порталида тегишли ахборот блоки ва унинг мобил иловаси яратилишини таъминласин.

5. Белгилансинки, 2019 йил 1 майдан:

Вазирлик марказий аппарати ходимларининг лавозим маошларини Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига асосан белгилашда тариф коэффициенти 1,4 бараварга оширган ҳолда қўлланилади;

худудий бўлинмалар ходимларининг лавозим маошларини Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига асосан белгилашда тариф коэффициенти 1,2 бараварга оширган ҳолда қўлланилади.

Ушбу бандни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

6. Вазирлик бир ой муддатда:

а) Вазирликнинг янги ташкил этилган таркибий ва идоравий бўйсунувидаги бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, шунингдек, Вазирлик марказий аппарати ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқласин;

Вазирликнинг марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлинмаларини зарур назарий билимлар ва амалий кўникмаларга, Вазирликка юклатилган вазифаларни профессионал даражада амалга ошириш қобилиятига эга бўлган юқори малакали кадрлар билан тўлдирсин;

б) ҳалқаро ташкилотларнинг ва хорижий мамлакатлар молиявий муассасаларининг техник қўмаги ҳамда грант маблағларини жалб қилган ҳолда ҳудудларда агротехнологиялар бўйича ахборот-маслаҳат марказлари (extension center) тармокларини босқичма-босқич ташкил этишга доир “Йўл ҳаритаси”ни тасдиқласин;

в) аниқ кўрсаткичлар ва мақсадли индикаторларга эришишга асосланган Вазирлик, унинг бўлинмалари ва улар раҳбарларининг фаолиятини баҳолашнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш, якин, ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган қишлоқ хўжалигини стратегик ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш дастурларини амалга ошириш сифати ҳамда самарадорлигини таъминлаш юзасидан чора-тадбирларни кўрсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

8. Вазирлик икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев


Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 17 апрелдаги ПК-4292-сон қарорига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**



**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппаратининг
ТУЗИЛМАСИ**




Бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони – 132 нафар.

*Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони белгиланган меъёrlарга мувофиқ аниqlанади.

** Вазирлик марказий аппаратининг умумий штатлар сонига киритилмайди.


Қарақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги аппаратининг ТУЗИЛМАСИ



Бошкарув ходимларининг умумий чекланган сони – 44 нафар.


* Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони белгиланган мөъёrlарга мувофиқ аниқланади.

Вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ



Бошқарув ходимларининг умумий штатлар сони – 498 нафар, шу жумладан:
Андижон, Қашқаларё, Наманган, Самарқанд, Тошкент ва Фарғона вилоятларида – 44 нафар:
Бухоро, Жиззах, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида – 39 нафар.
* Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони белгиланган меъёрларга мувофиқ аниқланади.

**Туманлар (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимларининг
НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ**



Бошқарув ходимларининг умумий штатлар сони – 6 – 12 нафар.

* Палми дедқончиллик туманлари бундан мустасно.

** Техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлар сони белгланган меъёрларга мувофиқ аниқланади.

***Корақалпогистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари мазкур қарор билан тасдиқланган ходимларнинг чекланган сони (5-илова) ва туманлар ихтинослашишудан келиб чиқиб, туманлар (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари ходимларининг аниқ сони ва штатлар жадвалини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 17 апрелдаги ПК-4292-сон қарорига
За-илова

**Туманлар (Қувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимлари бошқарув ходимларининг
ЧЕКЛАНГАН СОНИ**

т/р	Туманлар номи	Бошқарув ходимларининг чекланган сони (бирлик)
Қорақалпоғистон Республикаси		
1.	Амударё	11
2.	Беруний	10
3.	Тўрткўл	10
4.	Элликқалъа	10
5.	Хўжайли	10
6.	Шуманай	9
7.	Мўйноқ	8
8.	Нукус	9
9.	Тахтакўпир	8
10.	Тахиатош	9
11.	Қораўзак	9
12.	Қонликўл	8
13.	Кегейли	9
14.	Қўнғирот	9
15.	Чимбой	9
Андижон вилояти		
16.	Олтинкўл	10
17.	Андижон	11
18.	Балиқчи	11
19.	Бўз	10
20.	Жалакудук	11
21.	Избоскан	11
22.	Улуғнор	10
23.	Қўргонтепа	11
24.	Асака	10
25.	Марҳамат	10
26.	Шаҳрихон	10
27.	Пахтаобод	10
28.	Хўжаобод	10
29.	Булоқбоши	9
Бухоро вилояти		
30.	Бухоро	12
31.	Вобкент	10
32.	Жондор	12
33.	Когон	10
34.	Қоракўл	10
35.	Коровулбозор	10
36.	Пешку	10
37.	Ромитан	11
38.	Шоғиркон	11
39.	Ғиждувон	12
40.	Олот	10

т/р	Туманлар номи	Бошқарув ходимларининг чекланган сони (бирлик)
Жиззах вилояти		
41.	Арнасой	11
42.	Бахмал	10
43.	Ғаллаорол	11
44.	Шароф Рашидов	10
45.	Дўстлик	11
46.	Зомин	10
47.	Зарбдор	10
48.	Зафаробод	10
49.	Мирзачўл	11
50.	Паҳтакор	10
51.	Фориш	8
52.	Янгиобод	9
Қашқадарё вилояти		
53.	Гузор	11
54.	Қарши	11
55.	Деҳқонобод	9
56.	Косон	11
57.	Китоб	11
58.	Қамаши	11
59.	Миришкор	11
60.	Муборак	10
61.	Нишон	11
62.	Касби	11
63.	Чироқчи	12
64.	Шаҳрисабз	12
65.	Якқабоғ	12
Навоий вилояти		
66.	Кармана	9
67.	Конимех	7
68.	Қизилтепа	9
69.	Навбаҳор	8
70.	Нурота	8
71.	Томди	6
72.	Учқудук	6
73.	Хатирчи	10
Наманган вилояти		
74.	Мингбулоқ	12
75.	Косонсой	10
76.	Наманган	10
77.	Норин	10
78.	Поп	11
79.	Тўракўргон	11
80.	Уйчи	11
81.	Учқўргон	11
82.	Чорток	10
83.	Чуст	12
84.	Янгиқўргон	11
Самарқанд вилояти		
85.	Булунғур	11

т/р	Туманлар номи	Бошқарув ходимларининг чекланган сони (бирлик)
86.	Жомбой	12
87.	Иштихон	10
88.	Каттақўрғон	12
89.	Нарпай	11
90.	Нуробод	11
91.	Оқдарё	10
92.	Пайариқ	12
93.	Пастдарғом	12
94.	Пахтачи	10
95.	Самарқанд	11
96.	Тайлок	10
97.	Ургут	10
98.	Қўшработ	9
Сурхондарё вилояти		
99.	Денов	11
100.	Қизириқ	11
101.	Қумқўрғон	11
102.	Музработ	11
103.	Олтинсой	10
104.	Узун	10
105.	Жарқўрғон	11
106.	Ангор	10
107.	Бойсун	9
108.	Сариосиё	11
109.	Термиз	10
110.	Шеробод	11
111.	Шўрчи	10
Сирдарё вилояти		
112.	Боёвут	11
113.	Гулистан	10
114.	Мирзаобод	10
115.	Оқолтин	11
116.	Сардоба	10
117.	Сайхунобод	11
118.	Сирдарё	11
119.	Ховос	10
Тошкент вилояти		
120.	Оққўрғон	11
121.	Бекобод	11
122.	Бўка	11
123.	Куйичирчик	11
124.	Пскент	11
125.	Ўртачирчик	11
126.	Чиноз	10
127.	Юкоричирчик	11
128.	Оҳангарон	10
129.	Бўстонлик	10
130.	Зангиота	8
131.	Қибрай	11
132.	Паркент	10

т/р	Туманлар номи	Бошқарув ходимларининг чекланган сони (бирлик)
133.	Тошкент	10
134.	Янгийўл	11
Фарғона вилояти		
135.	Бешарик	12
136.	Бағдод	12
137.	Бувайда	11
138.	Данғара	11
139.	Ёзёвон	10
140.	Қува	12
141.	Олтиариқ	11
142.	Қўштепа	11
143.	Риштон	12
144.	Сўҳ	9
145.	Тошлок	10
146.	Ўзбекистон	12
147.	Учқўприк	11
148.	Фарғона	12
149.	Фурқат	10
150.	Қувасой ш.	11
Хоразм вилояти		
151.	Боғот	10
152.	Гурлан	11
153.	Қўшқўпир	11
154.	Урганч	10
155.	Ҳазорасп	11
156.	Хонка	11
157.	Хива	10
158.	Шовот	10
159.	Янгиариқ	10
160.	Янгибозор	10
Жами:		1 655

